



O‘zbekiston Respublikasi
Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi
Namangan muhandislik-texnologiya
instituti



**“OZIQ-OVQAT VA KIMYO
SANOATIDA
INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI
JORIY QILISH” MAVZUSIDAGI
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA MATERIALLARI
(1-JILD)
*2-3 iyun 2023 yil***

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**NAMANGAN MUHANDISLIK-TEKNOLOGIYA
INSTITUTI**



**“OZIQ-OVQAT VA KIMYO SANOATIDA
INNOVATSION TEKNOLOGIYALARNI
JORIY QILISH” MAVZUSIDAGI
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLAR TO‘PLAMI.
(2023 yil 2-3 iyun)**

Namangan-2023



“Oziq-ovqat va kimyo sanoatida innovatsion texnologiyalarni joriy qilish”
mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallar to‘plami.
(2023 yil 2-3 iyun)

Mazkur to‘plamda oziq-ovqat sanoatida biotexnologiya va oziq-ovqat xavfsizligining roli, oziq-ovqat sanoatida yangi innovatsiyalar va chiqitsiz texnologiyalar, kimyo fanlarini o‘qitishda zamonaviy ta‘lim texnologiyalari va interaktiv shakllari, kimyoviy moddalar sintezi, tuzilishi va tahlili. Kimyoviy jarayonlar, kimyo, matbaa sanoatlarida innovasion va integrasion jarayonlarning istiqbollari, qishloq xo‘jaligida innovatsiyalar va ularni tadbiq etish hamda tabiiy, aniq hamda muhandislik texnologiya fanlarini o‘qitishda ilg‘or pedagogik texnologiyalar kabi mavzulardagi Respublika ilmiy-amaliy anjumanining maqolalar matnlari o‘rin olgan.

To‘plamda oliy ta‘lim muassasalari, ilmiy-tekshirish institutlari, fanlarni o‘qitishdagi ilg‘or pedagogik texnologiyalar, kimyo, oziq-ovqat hamda qishloq xo‘jalik mahsulotlarini saqlash va qayta ishlashga bag‘ishlangan ilmiy izlanishlarining natijalari keltirilgan.

Anjuman materiallari to‘plami professor-o‘qituvchilar, katta ilmiy xodim-izlanuvchilar, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar hamda talabalar uchun mo‘ljallangan.

Tahrir hay‘ati a‘zolari:

prof. O.O.Mamatkarimov
dots. M.U.Qayumov
dots. U.X.Meliboyev
prof. O.K.Ergashev
dots. D.A.O‘ktamov
dots. X.Qanoatov
dots. M.Soliyev
dots. O.Mallabayev
PhD. U.Raximov

Taqrizchilar:

k.f.d., prof. A.Boymirzayev
q/x.f.d., prof. A.T.Merganov
k.f.n., dots. O.Abdulalimov
q/x.f.n., dots. X.Xoshimov

Mazkur to‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma‘lumotlar va me‘yoriy hujjatlar sanasining to‘g‘riligi hamda tanqidiy fikr-mulohazalarga nashriyot va tashkiliy qo‘mita javobgar emas. Mualliflarning o‘zlari mas‘uldirlar!

Ilmiy maqolalar mualliflarning matni asosida chop etildi.



ГЕПАТИТ КАСАЛЛИГИ ВА ОЗИҚ ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ

Саломова Ф.И., Шерқўзиёва Г.Ф., Искандаров А.Б., Урманова Л.Ж.
Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация: Вирусли гепати А барча гепатитлар орасида 60-70% ташкил этади. Касалликнинг юбуш омилларидан бири бу ифлосланган озиқ овқат махсулотлари ҳисобланади. Бевосита 19 ҳолатда гепатит касаллигини юқиш механизмида ифлосланган озиқ овқат махсулотлари эканлиги ўрнатилди.

Калит сўзлар: гепатит, озиқ овқат махсулотлари, фекал-орал механизм, касалланиш, гигиена, профилактика

Ҳозирги даврда нафақат бизнинг республикада балким кўпгина бошқа давлатларда ҳам вирусли гепатит А касаллиги билан касалланиш кўрсаткичи анча юқори даражада. Ўзбекистонда вирусли гепатит А касаллиги билан касалланиш кўрсаткичи бугунги кунда ҳам баланд бўлиб, бу кўрсаткич ҳар 100 минг аҳолига 2010 йилда – 100 дан кўпроқ, аммо касалланиш кўрсаткичи 1990-йилларга нисбатан 3,7 баробар камайган. Ҳозирги кунда республикада барча вирусли гепатитларни олдини олишни такомиллаштириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 27 август № 542 сонли “Ўзбекистон Республикасида вирусли гепатитларнинг ташхисоти, давоси ва профилактикаси бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисидаги” буйруғи мавжуд бўлиб унинг асосида турли профилактик чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Вирусли гепатит А бутун дунёда энг кенг тарқалган, учраш кўламига кўра ўткир респиратор вирусли инфекциялар ва ўткир ичак юқумли касалликларидан кейин учинчи ўринда туради. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра ҳар йили 1,5 миллионга яқин одамлар вирусли гепатит А билан касалланади. Вирусли гепатит А билан касалланиш энг кўп 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга хосдир. Вирусли гепатит А фекал-орал механизми билан кечадиган юқумли касаллик бўлиб, кўп ҳолатларда касаллик даврий, қисқа муддатли интоксикация, асосан жигар зарарланиши билан характерланади.

Вирусли гепатит А бошқа жигар касалликлари орасида етакчи ўринни эгаллайди ва барча вирусли гепатитларнинг 65-75 фоизини ташкил қилади. Вирусли гепатит А касаллигининг тарқалиши Африка ва Жанубий Осиёда энг юқори кўрсаткичларда бўлиб, у 100 минг аҳолига нисбатан 500-600 кишини ташкил этади. Вирусли гепатит А касаллиги барча касалланганларда ўткир шаклланмайди, шунинг учун рўйхатга олинганлар сони бу барча касалланганларни сонини билдирмайди. Вирусли гепатит А касаллигида “Айсберг синдроми” кузатилади. Бунда касалланганларнинг 10-20 фоизида касаллик белгилари юзага чиқади, қолганларида клиник белгилар юзага чиқмайди ёки шамоллаш ва бошқа белгилар билан кечади. Кўпгина ҳолларда Вирусли гепатит А инфекцияси, вируслар билан зарарланган озиқ-овқатлар ёки ифлос сув орқали юқади. Бундан ташқари “ифлос қўллар” вируснинг юқишида катта рол ўйнайди. Айниқса бу сув, мевалар, резаворлар (кулупнай, малина) га термик ишловдан ўтказилмайди ва вирус уларнинг юзасида сақланади. Кулупнайни хлорли сув билан ювиб тозалангандан сўнг, микроскопик текширилганда ифлосланган нажас моддаларининг излари қолган. Хлорли концентрация кулупнайдаги Вирусли гепатит А ни инактивация қилмаган бўлса, контаминацияланган кулупнайни музлатиш ҳам вируснинг ўлимига таъсир кўрсатмайди.

Аниқланган барча вирусли гепатитларнинг 60 % дан кўпроғини ўткир вирусли гепатит А ташкил қилади. Охирги йилларда ижтимоий, иқтисодий ва экологик ўзгаришлар



natijasida Virusli гепатит А касаллигининг замонавий шароитларда тарқалиши турли эпидемиологик омиллар билан боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз аҳоли ўртасида вирусли гепатит А билан касалланиш ҳолатини таҳлил қилдик ва қўйидаги натижаларни олдик. Кузатув минтақасидаги жами касалланганлар сони 43 та (100%) бўлиб, улардан аниқланган юқиш омилларини 38 та ташкил этади. Аниқланган юқиш омилларининг таҳлилида эса энг асосийси озиқ овқатлар 19 та ҳолат (44,2%) ва маиший мулоқат 19 та ҳолат (44,2%) орқали юққанлиги аниқланди. Касалликнинг ичимлик суви орқали юқиш ҳолати 13 та ва очиқ сув хавзалари орқали эса 11 та ҳолат эканлиги ўрнатилди.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики ушбу касалликнинг юқишида ифлосланган ва аҳоли саломатлиги учун хавfli бўлган озиқ овқатлар асосий омил ҳисобланади. Касалликнинг профилактикасида экологик тоза ва турли микроорганизм вируслар билан ифлосланмаган озиқ овқатлар истемол қилиш, ҳамда шахсий гигиенага риоя қилиш муҳим рол ўйнайди.

OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA OZIQ-OVQAT SANOATINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

¹Egamberdiyev Rahmonjon Ilhomovich, ²Iloxomiddinova Nodirabegim Raxmonjon qizi

¹Namangan muhandislik-texnologiya instituti dotsenti, t.f.n.

(rahmonjon 72 @mail.ru. тел. 94-5041504)

²Namangan davlat universiteti talabasi (97-05015004)

nodirailxomiddinova@gmail.com

***Annotatsiya:** Aholi sonining tez ko'payib borayotgani bilan oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmining o'sish imkoniyatlari cheklangani o'rtasidagi tafovut oziq-ovqat dasturini hal etish masalasini o'rtaga qo'yimoqda. Bu o'rinda oziq-ovqat mahsulotlari xavfsizligini ta'minlashda oziq-ovqat sanoatini rivojlantirish bugungi kunning asosiy va dolzarb muammosiga aylangan. Mavzuda oziq-ovqat sanoatida ahvolni yanada barqarorlashtirish uchun kelgusidagi istiqbol vazifalar bayon etilgan.*

***Taynch so'zlar:** oziq-ovqat mahsulotlari, oziq-ovqat sanoati, ishlab chiqarish, oziq-ovqat xavfsizligi, qishloq xo'jaligi mahsulotlari*

Mustaqilligimizning ilk yillaridan boshlab olib borilgan oqilona iqtisodiy islohotlar natijasida mamlakatimiz oziq-ovqat sanoatida yildan yilga sezilarli darajada iqtisodiy o'sish, rivojlanish dinamikasi kuzatilmoqda. Har bir milliy iqtisodiyotda sanoatni rivojlantirish strategiyasi, dasturi, konsepsiyasi bo'lgani kabi mamlakatimiz oziq-ovqat sanoati korxonalarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, innovatsion loyihalar asosida rivojlantirish borasida ham muhim me'yoriy hujjatlar ishlab chiqilgan bo'lib, ular bosqichma-bosqich izchillik bilan tizimli amalga oshirilmoqda.

O'zbekistonning noyob tuproq-iqlim sharoiti, mamlakatimizda quyoshli kunlar bir yilda o'rtacha 310-320 kun bo'lishi, barcha to'rt faslning izchil almashinuvi keng turdagi yuqori sifatli meva va sabzavotlarning asosiy navlarini yetishtirish uchun qulay imkoniyatlar yaratadi. Mamlakatimiz qishloq xo'jaligi mavsumining o'ziga xos xususiyati shundaki, bu mavsum yangi ko'katlar tabiiy sharoitda yetiladigan mart oyining dastlabki kunlaridan boshlanib, butun yil mobaynida, bozorlarga uzum, qovun, xurmo va behining kechki navlari yetkazib beriladigan dekabr oyining boshiga qadar davom etadi. Bu esa O'zbekistonni meva-sabzavot va poliz mahsulotlari bilan deyarli yil davomida barqaror ta'minlaydigan ishonchli bazaga ega bo'lgan mamlakatga aylantiradi.



MUNDARIJA

OZIQ-OVQAT SANOATIDA BIOTEKNOLOGIYA VA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINING ROLI	
ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТАЯ ОДНОРАЗОВАЯ ПОСУДА ИЗ ПШЕНИЧНЫХ ОТРУБЕЙ	4
<i>Хамдамова Мадина Дилмурод кизи</i>	
БЕЗОПАСНОСТИ БЕЗАЛКОГОЛЬНЫХ НАПИТКОВ	6
<i>Алиевой Фаризахон Адулазиз кизи, Абдуллоев Шахобидин Хасанбоевич</i>	
ТЕХНОЛОГИЯ ПРОЦЕССА ОБЖИГА ЦИНКСОДЕРЖАЩИХ КОНЦЕНТРАТОВ В ПЕЧИ С КИПЯЩИМ СЛОЕМ	7
<i>Махмаёров Жасур Бозорович, Хайдаров Бекзод Хамза ўгли, Эгамова Мунира Каршибоевна</i>	
НОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНИШИ	11
<i>Г.Алиева, Г.З.Джахангирова</i>	
ОРГАНОЛЕПТИЧЕСКИХ ОЦЕНКА СВОЙСТВ РЫБ И РЫБНЫХ ПРОДУКТОВ.	13
<i>Рахманов Дилишод Ортикбаевич, Усмонов Омонжон, Кучкарова Зохидахон Абдугаппаровна, Мухиддинова Мадина Саидхон кизи</i>	
ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СANOАТИДА BIOTEKNOLOGIЯЛАРИНИНГ РОЛИ	15
<i>Юнусов А.Ш. Полвонов У.П.</i>	
ОСОБЕННОСТИ И ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА ПО НАПРАВЛЕНИЮ ВОДНЫЕ БИОРЕСУРСЫ И АКВАКУЛЬТУРЫ	16
<i>Ш.Ш.Каримова, Исаева С.Т., М.М.Сафаров, Г.Б.Амантурдиев</i>	
ПРОИЗВОДСТВО И ПЕРЕРАБОТКА ГОТОВОЙ ПРОДУКЦИИ С ПРИМЕНЕНИЕМ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ КАЧЕСТВА И БЕЗОПАСНОСТИ ПИЩЕВОГО СЫРЬЯ	19
<i>Файзуллаева Д.Т., Турсунов Х.Ш., Шамуратова М.Р.</i>	
КОНСЕРВИРОВАННЫЙ СИЛОС КУКУРУЗЫ В РАЦИОНАХ СКОТА В СИММЕНТАЛЬСКОЙ ПОРОДЫ.	20
<i>Рахманов Дилишод Ортикбаевич, Усманов Омонжон, Кучкарова Зохидахон Абдугаппарова</i>	
ГЕПАТИТ КАСАЛЛИГИ ВА ОЗИҚ ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ	23
<i>Саломова Ф.И., Шерқўзиева Г.Ф., Искандаров А.Б., Урманова Л.Ж.</i>	
OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA OZIQ-OVQAT SANOATINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI	24
<i>Egamberdiyev Rahmonjon Ilhomovich, Ilxomiddinova Nodirabegim Rahmonjon qizi</i>	
ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВСИЗЛИК МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА РАДИАЦИЯ ХАВСИЗЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ	28
<i>магистр Бехруз Бахтиёров, доцент Олимжон Азизов</i>	
МЕТОДЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЖИРОРАСТВОРИМЫХ ВИТАМИНОВ А, D, E.	29
<i>Маматкулов Маматкул Хамракулович, Ахмедова Муштарий Жалолхон кизи</i>	
АНАЛИЗ СЫРЬЯ И МЕТОДЫ ПРИГОТОВЛЕНИЯ СЛОЖНЫХ УДОБРЕНИЙ	30
<i>Б.С.Усманов., З.О.Собиржонов</i>	
ЎСИМЛИКЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ТАБИЙ АНТИОКСИДАНТЛАР	32
<i>Абдуллаева Буфотима Турсунали кизи, Нурманов Сувонкул Эрханович</i>	